

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ АКАДЕМИЯСИ**




**ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИЛГОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИ
ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎЛЛАРИ**
халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами

**Сборник материалов международной научно-практической конференции
ПЕРСПЕКТИВНЫЕ ПУТИ ВНЕДРЕНИЯ В УЧЕБНЫЙ ПРОЦЕСС
ПЕРЕДОВОГО ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА ПРИ ОБУЧЕНИИ
ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ**

**Materials of the International scientific-practical conference
PERSPECTIVE WAYS OF IMPLEMENTATION IN THE EDUCATIONAL
PROCESS OF THE ADVANCED EXTERIOR EXPERIENCE IN TEACHING
FOREIGN LANGUAGES**

ТОШКЕНТ 2020



преподавания ориентирован скорее на предметную компетенцию, чем на языковую. CLIL не является новой формой обучения иностранного языка или предмета. Это инновационное сочетание обоих форм.

Литература

1. “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков”. Постановление Президента Республики Узбекистан.” ПП-1875. 2012 й. 10.12 манба http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2126032.

2. Ҳошимов Ў. Ёқубов И. Инглиз тили ўқитиш методикаси. — Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциадорлик компанияси Бош тахририят, 2003. — 56 б.

3. Лаптева Т. Некоторые аспекты использования методики CLIL при обучении иностранным языкам [Электронный ресурс]. — Режим доступа: <http://cyberleninka.ru/article/n/nekotorye-aspekty-ispolzovaniya-metodiki-clil-pri-obuchении-inostrannym-yazykam>

4. Marsh D. 2002. Content and Language Integrated Learning: The European Dimension Actions, Trends and Foresight Potential [Электронный ресурс]. — Режим доступа: <http://europa.eu.int/comm/education/languages/index/html>.

“БОБУРНОМА” АСАРИДА “КЎНГУЛ” БИЛАН БОҒЛИК ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИК ВА УНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ

Тешабоева Зиёдахон Қодировна

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ЎзДЖТУ

Аннотация. Ушбу мақолада “Бобурнома”даги “кўнгил” сўзи орқали ифодаланган фразеологик бирликнинг табици, русча таржимаси ва турли даврда қилинган инглизча таржимаси ҳақида фикр юритилади. Тарихий шахс Носир Мирзо ҳақидаги маълумотлар орқали ибора мазмуни очиб берилади ва уч хил кўринишга эга инглизча таржималари таҳлилга тортилади.

Калит сўзлар: фразеологик бирлик, аслият, кўнгил, кўнглида эгрилиги бор, русча таржима, инглизча таржималар.

Annotation. In this article the word and phraseological unit “soul” and its’ Russian translation, modern Uzbek, three different English translations are studied. The meaning of phraseological unit is revealed by the historical personage, Nasir Mirza in “Baburname” and the English translations are analyzed.

Key words: phraseological unit, originality, soul, heart was crooked, Russian translation, English translations.

«Бобурнома» ўзидаги фактик маълумотларнинг мўллиги билан диққатга сазаворки, асарда қўлланган фразеологик бирликлар воқеа – ҳодисаларни образли тасвирлашда реал ҳаётга боғланганлиги билан ўзига хос мазмун касб этади. Фразеологик бирликларни тавсифлаш, гуруҳлаш ва концептларини очиб бериш муҳим жараён ҳисобланади. Зеро, кейинги пайтларда урғу берилаётган когнитив таҳлиллар ва олимларнинг назарий қарашлари, замонавий ёндашувларни тинмай ўрганаётгани айни дамда мумтоз асарларда иборалар ва уларнинг таржималарини қиёсий ўрганиш ҳам муҳимлигини кўрсатади. Биз бу сафарги тадқиқотимизда

«Бобурнома»да қўлланган *кўнглида эгрилиги бор эди* фразеологик бирлигининг таржимаси билан танишиб ва ўрганиб чиқишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Шубҳасизки, асарни ўрганиш жараёнида унда қўлланган ибораларнинг маъно товланишлари ва бадий жозибасига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Зеро, сўзлар, ифодалар маъносини чакмай туриб, асар замирига яширинган мазмун теранликларини идрок этиш мумкин эмас. (Олимов М.Б.76).

Асарда келтирадиган мисолимиз Бобурнинг укаси Носир Мирзо ҳақидаги маълумотларда қўлланган *кўнглида қандай эгрилиги борлиги* ҳақида боради. *Дарайи Нур кишиси чиқиб паришон боргон чопқунчини тебратган била ўзгалар ҳам тура олмаслар, қочарлар. Бир пора кишини ўлтуруб қалин от ва яроқ олдилар. Ул черикдаким, Фазлидек киши сардор бўлгай, ҳоли ушмундоқ-ўқ бўлгусидур. Бу жиҳатдинму ё Носир мирзонинг кўнглида эгрилиги бор эди, ул жиҳатдинму бизнинг сўнгимизча келмади, қолди* [3; 122].

Ушбу мисолда ажратиб кўрсатилган *кўнглида эгрилиги бор эди* гапини фразеологик birlik қаторига киритамиз, чунки у яширин маъно касб этиб, қандай эгрилик? деган савол ва маъно мавжуд. Ушбу мисолни таҳлилга тортишдан аввал Бобурнинг укаси Носир Мирзо ҳақида батафсил тўхталиб ўтишни жоиздир, сабаби «Бобурнома»да юқоридаги ибора айнан Носир Мирзога нисбатан қўлланган:

Носир Мирзо (1487, Андижон – 1513, Ғазни) – Бобурнинг укаси. Онаси – Умид оғача. Умаршайх Мирзо бу ўғлига Вайс Лоғарийни бекатка этиб тайинлаган. Умаршайх Мирзо вафот этганида Носир Мирзо Косонда бўлган. Султон Аҳмад Мирзо ва Султон Маҳмудхон Фарғонани Бобурдан тортиб олиш мақсадида юриш қилганида (1494 й.) Вайс Лоғарий Носир Мирзони Султон Аҳмад Мирзо ҳузурига олиб борган. Бобур Кобулга йўл олганда, Носир Мирзо акаси билан бирга кетган (1504 й.). Бобур унга Нингнаҳор, Мандировар, Дараи Нур, Кунар, Нургил, Чағонсарой туманларини берган. У Бобурнинг Бангаш ва Бану вилоятларини бўйсундиришида иштирок этган. 1505 йил Бобурдан юз ўгириб, Бадахшонга келган ва маҳаллий беклар ёрдамида ҳокимиятни қўлга олган. Икки йилга яқин ҳукмронлик қилгач, бадахшонлик Муборакшоҳ, Муҳаммад Қўрчи ва бошқа беклар ундан норози бўлиб, исён кўтарган. Носир Мирзо жангда енгилиб, бор-будидан айрилиб, яна Бобур ҳузурига Кобулга борган. Бобурнинг Қандаҳорга қилган юришида иштирок этган (1507 й.). Бобур уни Қандаҳорга ҳоким этиб тайинлаган. Муҳаммад Шайбонийхон Қандаҳорни қамал қилганда, Носир Мирзо Қандаҳордан чиқиб Ғазна томонга – кичик акаси Жаҳонгир Мирзо мулкига қочиб таъқибдан қутулади. Бу вақтда Жаҳонгир Мирзо вафот этади ва Бобур унинг ўрнига Носир Мирзони тайинлайди. Бобур 1511 йили Самарқанд юришига кетганида Кобулни Носир Мирзога топширган эди. Бироқ Бобур Ҳисорга чекиниб, сўнгра Кобулга қайтишга мажбур бўлади. Бобур укасига Кобулни яхши сақлагани учун миннатдорчилик билдиради ва Ғазнага жўнаш ҳақида буйруқ беради. Бироқ у жўнаб кетишга улгурмай вафот этади *қолди* [6; 360].

Мана бу мисолда қўллаган *кўнглида эгрилиги бор* фразеологик бирлиги қўлланган парчани ҳозирги ўзбек тилидаги табдили шундай акс этган: *Дарайи Нур одамлари чиқиб пароканда талончиларни зўрлаб орқага суришлари билан бошқалар туриш бермай қочадилар. Душман томондагилар бир гуруҳ кишини ўлдириб, от ва яроғларини тортиб олади. Лашкарга Фазлидек киши сардор бўлса, ҳоли мана шундай бўлгусидир. Шу сабабданми ё Носир мирзонинг кўнглида эгрилиги бор эдими – бизнинг изимиздан келмади, қолди* [4; 122].

Аслият мисоли русча таржимада ҳам тўлиқ акс этган: Жители Дараи Нура прогнали разъехавшихся в разные стороны добытчиков; остальные тоже не могли устоят и побежали; перебив часть людей, враги забрали много коней и оружия. Если над войском начальствует человек, подобный Фазли, положение его всегда будет таково. Но этой ли причине или потому что **в сердце Насир мирзы оставалась обида**, но он не пришел следом за нами и отстал от нас [5; 93]. Аслиятдан келтирилган парча инглизча Ж.Лейден ва В.Эрскинда (1826) бундай таржима қилинади:

The men of Dereh-Nur, immediately sallying forth, attacked the plunderers who were scattered for pillage, and routed them; and no sooner were they discomfited, than the rest of the army, unable to maintain their ground, also took to flight. Many were slain, and many horses and arms taken. Such will always be the fate of an army that has a general like Fazli. Whether it was from **this circumstances, or whether some disaffection influenced** Nasir Mirza, he did not follow me, but staid behind [8; 167]. Дера – Нур одамлари дарҳол яширинча талон тарож учун қолдирилган одамларга ҳужум қилиб, уларни талашди ва улар безовталаниб, қолган кўшимчалари ҳам ўз жойларида турмай қочиб кетишди. Кўпчилик ўлдирилди, кўплаб отлар ва қурол аслаҳалар тортиб олинди. Фазлидек генералга эга бўлган армия тақдири ҳамиша шундай бўлган. Бу вазиятдан келиб чиқдими ёки *бирон бир норозилик* Носир Мирзога *таъсир қилдими* у менга эргашмади ва ортда қолди.

Аслиятнинг қай тарзда иккинчи бор қилинган С.Бевериж (1921) таржимасида ҳам кузатамиз:

The Mirza's commander, Fazli, in found so impracticable and in that one-road tract, instead of guarding his men, scattered them to forage. Out came the salesmen, drove the foragers off, made it impossible to the rest keep their ground, killed some, captured a mass of others did of horses,— precisely what would happen to Any army fancying to be under such a person as Fazli! Whether because this affair or whether from **want of heart** the Mirza did not follow us at all; he stayed behind [1; 241]. – Мирзонинг лашкарбошиси Фазли бу имконсиз деб топилган ва бир тарафлама йўлда одамларни кўриқлаш ўрнига бор будини талаган. Ташқаридан келган сотувчи савдогарларни ҳайдаб солган, қолганларини ҳам жойларни сақлашга имкон бермай, баъзиларини ўлдирган, бошқаларининг отларини тортиб олган. Аниқроғи Фазлидек одамга хизмат қилиш истаги учун курашаётган ҳар бир армиянинг ҳолига нима ҳам бўларди! Бу иш учунми ёки *Мирзонинг юракдан хоҳиши учунми умуман* у бизга итоат қилмади; шундай қилиб у ортда қолди.

Энди эса аслият матнини В.Текстон (1996) таржимасида кузатамиз:

When the Dara-i-Nur people pressed the scattered raiders back, the soldiers were unable to maintain their position and fled. A few were killed and many horses and arms were seized. This is bound to happen under the command of someone like Fazli! Either for this reason or because Nasir Mirza's **heart was crooked**, Nasir did not follow us and stayed where he was [9; 181]. – Дарайи Нур аҳолиси тарқоқ босқинчиларни орқага қайтарганда, аскарлар ўз позицияларини ушлаб қололмадилар ва қочиб кетдилар. Бир неча киши ўлдирилди, кўплаб отлар ва қурол аслаҳалар тортиб олинди. Бу Фазли каби бировнинг буйруғи остида амалга ошиши лозим бўлган ишдир! Шу сабабданми ёки Носир Мирзонинг *юраги бузуқлигиданми* Носир биз билан юрмади ва ўша жойда қолиб кетди.

Таржималардан кўринадики, Ж.Лейден ва В.Эрскинда аслиятда келтирилган кўнглида эгрилиги бор эдими жумласи **this circumstances, or whether some**

МУНДАРИЖА

Муаллиф	Мақоланинг номи	Саҳифа
Тоиров А.И.	ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ	4
James Thomas	TWO WEB-BASED TOOLS FOR LEARNING LANGUAGE FROM LANGUAGE	6
Абдурайимов С. Бахронова Д.	ХОРИЖИЙ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИ ЎРГАНИШДА ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ БИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ	18
Бахронова Д., Тўхтасинова Р., Отаматов М.	ТИЛ ЎРГАНИШДА ҚўЛЛАНИЛАЁТГАН “ЮМШОҚ КУЧ” СИЁСАТИ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА АКС ЭТИШИ	22
Tukhtasinov I.	METHODS OF FOREIGN LANGUAGE TEACHING METHODOLOGY	30
Омонов Қ., Бахронова Д.	РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ ВА ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙўЛЛАРИ	33
Сафаров Ш., Насруллаева Н.	СТРУКТУРНО-СТИЛИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ВОЕННОГО ДИСКУРСА	36
Маматов А.	РАЗВИТИЕ ИНОЯЗЫЧНЫХ СПОСОБНОСТЕЙ КАК ОСНОВА ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ	39
Якубов Ж.	ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА “ИСТАК” МАЪНОСИНИ ИФОДАЛОВЧИ МОДАЛ ФЕЪЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ	41
Қамбаров Н.	ТАРЖИМА ТРАНСФОРМАЦИЯЛАРИ ТАРЖИМОН КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ТИЛ ҲОДИСАСИ	45
Мирсанов Ғ.	ИНГЛИЗ ТИЛИДА ФЕЪЛ ЮКЛАМАЛАРИНИНГ АСПЕКТУАЛ МАЪНОЛАРИ ЎҚИТИЛИШИГА ДОИР	48
Абдуллаева С.	ЧЕТ ТИЛЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ МОДЕЛЛАРИ	51
Юлдашев А.	МАЪНО КўЧИШИДА ИККИЛАМЧИ ИНТЕРПРЕТАЦИЯНИНГ ЎРНИ ХУСУСИДА	55
Адилова Ш.	ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СЛІС- МЕТОДА ПРИ ИЗУЧЕНИИ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА В НЕЯЗЫКОВЫХ ВУЗАХ	57
Тешабоева З.	“БОБУРНОМА” АСАРИДА “КўНГУЛ” БИЛАН БОҒЛИҚ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИК ВА УНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ	61
Сапарова К.	ПРОБЛЕМЫ ИЗУЧЕНИЯ СТИЛИСТИКИ РУССКОГО ЯЗЫКА В УЗБЕКОЯЗЫЧНОЙ АУДИТОРИИ	64
Самигова Х.	ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЁЛҒОН СўЗЛАШНИНГ РИТОРИКАДАГИ АҲАМИЯТИ	67
Холов А.	ЁШ РАҲБАР КАДРЛАРНИНГ БОШҚАРУВ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ	70
Ergasheva G.	DESCRIPTION METHODS OF GENDER TERMS	74
Холбеков М.	ПОЛЬЗОВАНИЕ СЛОВАРЯ ПРИ ПЕРЕВОДЕ НАУЧНО - ТЕХНИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ	76